2018 йил — Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

# Qishloq hayoti

O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan | 2018-yil 10-fevral, shanba 17 (8880)-son | web sayt: www.qishloqhayoti.uz

# БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ОБОДЛИК, БУНЁДКОРЛИК ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

**Президент Шавкат Мирзиёев 9 февраль куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида пойтахтимиз туманларида бўлди.**

Тошкент шаҳрида сўнгги йилларда мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бугун пойтахтимиз том маънодаги қурилишлар майдонига айланган. Янгидан-янги иншоотлар, корхоналар, тиббиёт ва таълим муассасалари, спорт мажмуалари, равон йўллар, кўприклар, маҳалла гузарлари, бозорлар, боғлар, хиёбонлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу борадаги ишлар Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида жадаллик билан давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Тошкент метрополитени Юнусобод йўналишидаги 2-босқич қурилиш ишларини кўздан кечирди. Шавкат Мирзиёев бу каби мураккаб жараён нафақат маблағ, балки ақлий меҳнат ва юксак маҳорат, чуқур билим ва тафаккур, юқори технологияларни талаб қилишини таъкидлади.

Қурилишга 200 дан ортиқ ишчи ва муҳандис, 40 та техник восита ва механизм жалб этилган. Метро қурилишига Германиядан ерости туннелини қазийдиган комплекс, бурғулаш ва темир-бетон қозиқ қоқиш техникаси, шунингдек, ГФР ва Хитой кранлари олиб келинган.

Қурилаётган метро участкасининг узунлиги 2,9 километр бўлиб, уни 2019 йилда фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Президентимизга метро бекатларининг дизайни ва қиёфаси, уларни замонавий ва миллий анъаналар асосида қуриш ва безаш бўйича маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари метро қурилишида ишлатилаётган энг замонавий техник воситалар билан таништирилди.

Шу ернинг ўзида Тошкент шаҳри метрополитенини ривожлантириш ва кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳам маълумот берилди.

Шавкат Мирзиёев пойтахтимизда барпо этилаётган "Наврўз" истироҳат боғи лойиҳасини кўздан кечирди.

Наврўзи олам – халқимизнинг энг қадимий миллий байрами. Юртимизда каттаю кичик барча шарқона янги йил бўлмиш ушбу айёмни орзиқиб кутади. Эзгулик, меҳр-мурувват, хайр-саховат айёми қалбларга олам-олам сурур ва орзу-ҳаваслар бахш этади.

Жорий йилда ҳам Наврўз байрамини кўтаринки руҳда, умумхалқ сайли тарзида нишонлаш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳрининг Абдулла Қодирий, Шароф Рашидов ва Лабзак кўчалари кесишган жойда "Наврўз" боғи барпо этилмоқда.

Боғ учун 32 гектар ер ажратилган бўлиб, бу ерда 6 минг кишилик усти очилиб ёпиладиган амфитеатр, диаметри 72 метрлик чархпалак, ҳар бир вилоят аҳолисининг ўзига хос урф-одатлари, аждодларимизнинг яшаш тарзи, миллий ҳунармандлик, пазандалик анъаналарини акс эттирувчи уйлар қурилади. Бу ерга келган хорижий делегациялар аъзолари ва сайёҳлар аждодларимизнинг ўзига хос бой маданий мероси, фольклори, этнографияси, кийиниш маданияти, санъати билан танишиш, ҳар бир ҳудуднинг лаззатли таомларидан татиб кўриш имкониятига эга бўлади.

Жорий йилдан бошлаб халқимизнинг Мустақиллик, Наврўз каби улуғ байрамлари мазкур боғда ўтказилади. Бундан ташқари, мажмуада оммавий сайиллар, концертлар ташкил этиш учун барча шароит яратилади. Истироҳат боғи марказига қуёш шаклида Наврўз рамзи ўрнатилади. Мажмуа 2019 йили тўлиқ қуриб битказилади.

"Наврўз" боғидан Анҳор канали узра учта пиёдалар кўпригини бунёд этиш мўлжалланган. Боғ чети "Анҳор-Локомотив" паркига туташиб кетади. Одамлар бу кўприклардан амфитеатрга кириб келади, Анҳор канали бўйлаб сайр қилиш имкониятига эга бўлади.

Мазкур боғ Наврўз байрамимизни тараннум қиладиган, миллатимизнинг ўзлигини кўрсатадиган марказ бўлади, деди Президентимиз. Боғнинг ҳар бир элементида, ҳар бир қарич ерида халқимизнинг маданияти уфуриб туриши зарур. Бунинг учун Анҳор канали бўйларига Тошкент шаҳри туманлари, вилоятларимиз учун ўринлар ташкил қилиш керак, токи ҳудудлар бу ерда ўзининг асл анъаналари, баҳорий удумларини намойиш этсин. Юртимизга келган сайёҳлар аввал Ислом цивилизацияси марказига, сўнг бу ерга келиб, халқимизнинг бой маданий мероси билан танишсин.

Давлатимиз раҳбари боғ ҳудудини ободонлаштириш, манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтқазиш, Анҳор бўйида қайиқлар бекати бунёд этиш, мажмуада аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган саҳна асарлари намойиш этишни ташкиллаштириш юзасидан мутасаддиларга зарур тавсиялар берди.

Шу ерда Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳудудида Мусиқа санъати профессор-ўқитувчилари малакасини ошириш марказини бунёд этиш лойиҳаси тақдимоти ҳам ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Олмазор тумани Қичқириқ канали бўйида маданият ва истироҳат боғи барпо этилиши режалаштирилган. Бу ерга ташриф асносида Шавкат Мирзиёевга мазкур парк лойиҳаси юзасидан маълумот берилди. Маълум қилинганидек, боғда болалар ва спорт майдончалари, замонавий аттракционлар ташкил этилади. Абдулла Қодирий ва Чўлпон номидаги кутубхоналар, Нуронийлар маскани қурилади.

Президент кутубхоналарнинг пойтахт мактаблари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш, Абдулла Қодирий ва Чўлпон ижодини ёшларга чуқур ўргатиш зарурлигини таъкидлади. Аҳолининг дам олиши учун қулайликлар яратиш, хусусан, Нуронийлар масканида чойхона ва аския маркази ташкил қилиш, яқин жойда поликлиника барпо этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Боғ билан танишув чоғида Шавкат Мирзиёев пойтахтимизда "Хавфсиз шаҳар" концепцияси доирасида олиб борилаётган ишлар билан танишди. Давлатимиз раҳбари уйма-уй юриб, одамлар билан суҳбатлашиш, уларнинг муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашиш, иш ўринлари яратиш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш зарурлигини таъкидлади.

Президент Шайхонтоҳур туманидаги "Сузук ота" мажмуасида олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари 2017 йил 26 май куни бу масканда бўлиб, мақбара ва масжидни реконструкция қилиш, атрофини ободонлаштириш бўйича топшириқлар берган эди.

Манбаларда келтирилишича, 1363-1364 йилларда Соҳибқирон Амир Темур Аҳмад Яссавийнинг набираси Сузук ота қабри устида мақбара ва масжид бунёд эттирган.

Айни пайтда бу ерда бунёдкорлик ва реконструкция ишлари давом этмоқда. "Ижод-Ижод" хусусий корхонаси томонидан масжиднинг гумбаз қисмига ўзгартириш киритилиб, тарихий хонақоҳ билан уйғунлаштирилган, 900 кишига мўлжалланган айвон қурилиши режалаштирилган. Шунингдек, ҳунармандлар учун устахоналар, автотураргоҳ ва бошқа иншоотлар барпо этилмоқда. Чиллахона тикланаётир. Қурилиш ишлари жорий йилнинг 1 сентябрида якунланиши мўлжалланган.

Президент масжидни миллий меъморлик анъаналари асосида бунёд этиш ва бу ерда зиёратчилар учун кенг қулайликлар яратиш бўйича топшириқлар берди.

Шавкат Мирзиёев Чилонзор туманидаги Бизнес-марказида юқори ва тежамкор технологияларга асосланган "High Tech City" шаҳарчаси қурилиши лойиҳаси билан танишди. Жанубий Кореянинг "Posco Daewoo" компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилиши режалаштирилаётган мазкур лойиҳанинг қиймати 1,4 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

"High Tech City" шаҳарчаси ҳудудида халқаро бизнес-марказ, кўп қаватли турар жойлар, илмий ишлаб чиқариш кластери, юқори технологияларни ривожлантиришга ихтисослашган институт, политехника коллежи, савдо шохобчалари, маданий кўнгилочар иншоотлар, меҳмонхона ва бошқа ижтимоий объектлар қурилиши мўлжалланмоқда.

Шавкат Мирзиёев Чилонзор туманидаги Бунёдкор ва Чўпон-ота кўчалари кесишмасида "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятига қарашли "Кўприк қурилиш трести" корхонаси томонидан бунёд этилаётган йўл ўтказгич қурилишини кўздан кечирди. Мазкур ўтказгичда автомобиллар ҳаракати 6 йўлакдан иборат бўлади. Айни пайтда қурилиш ишларига 30 дан ортиқ техника воситалари, турли мураккаб машина ва механизмлар, 200 дан зиёд малакали муҳандис ва ишчи жалб қилинган.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳридаги бунёдкорлик ишлари билан танишуви жараёнида Чилонзор туманида барпо этилаётган янги масжидга ташриф буюрди. Президент ушбу масканга шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номини беришни таклиф қилди.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф нафақат юртимизда, балки бутун ислом оламида тан олинган олим эди, деди Шавкат Мирзиёев. Ҳаётини муқаддас динимиз арконларини ўрганиш ва тарғиб этиш, халқимиз, ёшларимизни диний маърифат руҳида тарбиялашга бағишлаган эди.

Президент Сергели туманидаги кўп қаватли янги уй-жойлар қурилиши билан ҳам танишди.

Лойиҳага асосан 5 минг 40 хонадонли 7 қаватли уйлар қурилиши белгиланган. 120 та уйнинг хандаги қазилди. 8 та уйнинг учинчи, 33 та уйнинг биринчи қаватида ғишт териш ишлари олиб борилмоқда. 20 тасида плита ётқизиш, 59 тасида пойдевор қўйиш, блок териш ва металл ишлари бажарилмоқда. Қурилишга 6 мингдан зиёд мутахассис, 450 дан зиёд махсус техника жалб этилган.

Лойиҳалаштириш ишлари "Қишлоқ қурилиш лойиҳа" институти, "ТошуйжойЛИТИ" АЖ, "Ташгипрогор" АЖ, "Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ" АЖ томонидан амалга оширилмоқда.

Алоҳида таъкидлаш кераки, янги уйлар мамлакатимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материалларидан барпо этилмоқда. Уларнинг теварагида мактаблар, дам олиш жойлари, болалар майдончалари, автомобиль турар жойлари ва бошқа инфратузилма объектлари қурилиши кўзда тутилган.

Шавкат Мирзиёев топшириғига асосан 8 та уйнинг биринчи қаватида мактабгача таълим муассасалари, 3 та уйнинг пастки қаватларида оилавий поликлиникалар жой олади. Шу тариқа қурилаётган янги массив аҳолиси учун қулайликлар янада кўпаяди.

Янги уйларни жорий йилнинг сентябрь ойида ўз эгаларига топшириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари қурувчилар билан мулоқотда хонадон соҳиблари учун барча шароитлар яратиш лозимлигини, бунинг учун қурилиш, дизайн, инфратузилма каби соҳаларни ҳар томонлама ўзлаштирган, уларнинг узвий боғлиқлигидан келиб чиқиб ишлайдиган етук кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Қурилиш ишларини белгиланган муддатда сифатли қилиб якунлаш бўйича топшириқлар берди.

**ЎзА**



ЎзА сурати.

**АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 577 ЙИЛЛИГИ**

## БУЮК БОБОКАЛОНИМИЗ АЛИШЕР НАВОИЙ МАНГУ БАРҲАЁТ

***Улуғ мутафаккир, сўз мулкининг султони Алишер Навоийнинг бой маънавий мероси асрлар оша бутун башариятни ҳайратга солиб, инсонлар қалбига, онгу шуурига эзгулик, инсонпарварлик, саховат, меҳр-мурувват зиёсини таратиб келмоқда. Мамлакатимизда улуғ бобокалонимизга эҳтиром кўрсатиш, асарларини ўрганиш, уни дунёда кенг тарғиб этишга доимий эътибор қаратилмоқда.***

9 февраль куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида шоир таваллудининг 577 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, ижодий уюшмалар ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари, навоийшунос олимлар, адиб ва шоирлар, ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, навоийшунос олим У.Жўрақулов ва бошқалар мамлакатимизда мустақиллик йилларида шоир хотираси абадийлаштирилгани унинг жаҳон адабиёти хазинасига қўшган буюк ҳиссаси ҳамда чексиз истеъдодига бўлган юксак ҳурмат ифодаси эканини таъкидлади.

Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий дунё адабиёти тарихида тенги топилмас бир сиймо ҳисобланади. Истеъдодининг улуғворлигию теранлиги жиҳатидан ҳам, халқпарвар давлат арбоби сифатида жамиятда тутган юксак мавқеи юзасидан ҳам, илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт аҳлига кўрсатган ҳомийлиги жиҳатидан ҳам ўхшаши йўқ сиймо.

Буюк мутафаккир бобомизнинг энг муҳим мақсади ва асл маслаги инсон кўнглини обод этиш эди:

Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,

Онча борким, Каъба вайрон ўлса обод айлагай…

Бугун юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари буюк аждодимизнинг ўлмас бунёдкорлик ғоялари унинг авлодлари томонидан муносиб давом эттирилаётганидан далолатдир.

– Буюк бобокалонимиз Мир Алишер Навоийни бугун бутун дунё эътироф этади, – дейди Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов. – У зотнинг сиймоси мангу барҳаётдир. Мен Алишер Навоий сиймосини гавдалантириш бахтига муяссар бўлганимдан бағоятда шодман. Ҳазратнинг юксак руҳий-маънавий қиёфасини очиб бериш катта масъулият юклайди. Халқимиз шеърхонликни яхши кўради, адабиётни севади, Алишер Навоийни мангу ардоқлайди.

Дарҳақиқат, Алишер Навоийни қанчалар юксакларга кўтарсак-да, таърифига сўз топиш мушкул. Кўплаб улуғ аждодларимиз у зот ҳақида бебаҳо фикрларини баён қилган. Жумладан, унинг дўсти, мухлиси Ҳусайн Бойқаро "Анинг назми васфида тил қосир ва баён ожизтурур", деса, Давлатшоҳ Самарқандий "Бу улуғ амир дину давлат ҳомийси, шариат ҳамда миллатнинг пушти паноҳидир", дея таъриф берган.

Ўзбекистон халқ ҳофизлари А.Иброҳимов ва Б.Дўстмуродов ижросида Алишер Навоий ғазалларига басталанган қўшиқлар янгради. Ёш шоир Б.Элмурод Ҳазрат Навоийга бағишлаб ёзган шеърини, актёр С.Сатторов Алишер Навоийнинг "Ғаройиб ус-сиғар" девонини кўчирган котиб Муҳаммад Юсуф ибн Уста Қаландар Марғинонийнинг улуғ шоирга бағишланган мадҳиясини ўқиб берди.

Тадбир иштирокчилари Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.Акмалов иштирок этди.

* * *

Шу куни пойтахтимиздаги Шоирлар хиёбонида ҳам буюк бобокалонимиз таваллудига бағишланган мушоира бўлиб ўтди. Унда ёзувчи ва шоирлар, олимлар, талаба ва ўқувчи-ёшлар қатнашди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари С.Саййид, навоийшунос олим А.Қаюмов ва бошқалар Алишер Навоийни ўқиш ва укиш, ўрганиш, тарғиб қилиш, айниқса, ёшларимизга ўзлигини англатиш, маънавиятини юксалтириш, уларни ватанпарварлик, юртга садоқат руҳида, умуминсоний ғоялар асосида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

– Алишер Навоийнинг таваллуд айёми халқимиз, бутун дунё учун адабиёт байрами десак арзийди, – дейди ёш шоир Баҳодир Баҳром. – Боиси, Алишер Навоий ўзининг ижоди, инсоний ғоялари билан бутун дунёда эзгуликни, инсонпарварликни, яхшиликни тараннум этган. Ҳазратнинг сўз мулкининг султони, деб аталиши ҳам бежиз эмас. Шу пайтгача дунё адабиётида улуғ мутафаккир бобомизчалик бирон ижодкор ўз ижодида кўп ва хўб сўз ишлатган эмас. У кишининг маънавий мероси халқимиз учун битмас-туганмас хазинадир.

Алишер Навоий асарларидан намуналар ўқилди. Фаол ўқувчиларга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан китоблар совға қилинди.

Буюк шоир таваллудига бағишланган адабий-маърифий тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**Сирдарё вилояти**

## ЎҒЛОНЛАР ЮРТ ХИЗМАТИГА ОТЛАНДИ

**Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 13 январдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида Сирдарё вилояти мудофаа ишлари бошқармасининг Мирзаобод туманидаги йиғин пунктида ёшларни миллий армиямиз сафларига тантанали кузатиш маросими ўтказилди.**

– Ўғлим Шоҳруҳ Ватан хизматига шай, юрт қорига ярайдиган ўктам йигитлар сафига қўшилганидан жуда бахтиёрман, – дейди ховослик Муқаддас Турдиқулова. – Илоҳим, ой бориб, омон келсин. Ватанимиз мудом осуда, осмонимиз мусаффо бўлсин.

Мард ва жасур йигитларни миллий армия сафига кузатиш маросими чинакам байрамона тантанага айланди. Олим Хўжаев номли мусиқали драма театри жамоаси томонидан саҳна кўриниши ҳамда концерт дастури намойиш этилди.

Эътиборлиси, 172 нафар сирдарёлик ўғлонларнинг ота-онаси ва яқинлари қўлларини дуога очиб, бўлажак аскарларга ёруғ юз билан ҳамиша Ватан хизматига шай туришларини тиладилар.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

«Qishloq hayoti»
www.qishloqhayoti.uz info@qishloqhayoti.uz
2018-yil 10-fevral, shanba 17 (8880)-son

*NHK телерадиокорпорацияси:*

# «ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛАР УЧУН ВИЗАЛАРНИ БЕКОР ҚИЛИБ, ВИЗА ОЛИШ ҚОИДАЛАРИНИ СОДДАЛАШТИРМОҚДА»

**Япониянинг етакчи NHK телерадиокомпанияси ўз сайтида Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимиз туризм тармоғини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар ҳақида материал жойлаштирди.**

Қуйида ушбу материал матни келтирилмоқда:

"Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти хорижий сайёҳлар учун виза олиш тартибини бекор қилиш ва соддалаштириш орқали туризм индустриясини янада юқори босқичга кўтаришни мақсад қиляпти.

2018 йилнинг 10 февралидан Марказий Осиёнинг бу давлати 39 мамлакат фуқаролари учун сайёҳлик визаси олишни соддалаштиради.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 10 февралидан бошлаб, 7 мамлакат, жумладан, Япония, Исроил, Индонезия, Малайзия, Сингапур, Туркия ва Жанубий Корея фуқаролари 30 кунгача Ўзбекистонда визасиз қолиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил охирида лавозимга киришган давридан мамлакатнинг халқаро ҳамжамиятга ҳар томонлама очиқлигига қаратилган фаол сиёсатни қатъий олиб бормоқда.

Бу чора-тадбирлар туризм тармоғини ривожлантириш орқали миллий иқтисодиётни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

32 миллиондан зиёд аҳолига эга Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг муҳим ва инсон капитали бўйича йирик давлат ҳисобланади. Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро каби тарихий шаҳарлари ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Бу борадаги амалийислоҳотлар натижасида 2017 йилда Ўзбекистонга ташриф буюрган японияликлар сони илк бор 9 500 нафарни ташкил этди.

NHK телерадиокорпорациясига берган интервьюсида Ўзбекистоннинг Япониядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ғайрат Фозилов визасиз режим жорий қилиниши туфайли янада кўпроқ японияликлар Ўзбекистоннинг бой тарихи ва маданияти билан танишиш имконига эга бўлишига умид билдирди. Унинг фикрича, Ўзбекистон раҳбариятининг бу каби саъй-ҳаракатлари Тошкент билан Токио ўртасидаги стратегик шериклик ва иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг қўшимча омили бўлиб хизмат қилади".

**ЎзА**

Миллий матбуот марказида "Ўзстандарт" агентлиги томонидан мамлакатимизда "Ҳалол" стандарти қабул қилинганлиги ва унинг юртимиздаги тадбиркорлик фаолиятидаги ўрни ҳамда маҳсулотларимизнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлашдаги аҳамиятига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

# «ҲАЛОЛ» СТАНДАРТИ – ЭРКИН РАҚОБАТГА КЕНГ ЙЎЛ

Таъкидланганидек, бугунги кунда "Halal" белгиси остида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга Европа иттифоқи, АҚШ, Буюк Британия, Австралия, Канада, Хитой, Ҳиндистон, Лотин Америкаси давлатлари, Янги Зеландия ва Таиланд каби мамлакатларда ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. МДҲ мамлакатлари, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Эрон, Иордания, Миср, Баҳрайн каби мусулмон мамлакатлари "Ҳалол" белгиси остида ўз маҳсулотларини экспортга чиқариб улгурган. Биргина Бирлашган Араб Амирликлари 200 дан ортиқ давлатлар билан савдо-сотиқ ишларини амалга оширади, бунда экспорт қилиш учун "Ҳалол" белгиси билан сертификатланган маҳсулот талаб этилади.

Президентимизнинг 2017 йил 6 ноябрдаги "Мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларни маҳаллий экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида "Ўзстандарт" агентлиги томонидан тадбиркорларга янада қулайлик яратиш мақсадида "Ҳалол" стандарти қабул қилинди. Уни амалиётга жорий этиш, шунингдек, ишлаб чиқариш корхоналарига, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга тушунтириш борасида бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

**Наргис ҲАСАНОВА**

Қашқадарё вилояти

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

# «МИТТИ ЮЛДУЗ»ЛАР КАМОЛ ТОПАЁТГАН МАСКАН

***Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 24-25 февраль кунлари вилоятга қилган ташрифи чоғида Қарши шаҳрида Абдулла Орипов номидаги мактаб ва музей ташкил этиш таклифини илгари сурган эди. 2017 йил 24 майда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Қарши шаҳрида Абдулла Орипов номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернатини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.***




Ўтган бир йил ичида ушбу таълим муассаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мактаб биноси олдида эл севган шоирнинг ҳайкали қад кўтарди. Янги ўқув йилидан бошлаб, ушбу илм даргоҳида танлов асосида 142 нафар ўғил-қиз она тили ва адабиёти фанларидан чуқурлаштирилган тарзда таълим ола бошлади. Эътиборли томони, ушбу танловда 700 нафардан ортиқ ўғил-қизлар иштирок этди.

Президентимиз 2018 йил 29-31 январь кунлари вилоятга ташрифи давомида мазкур мактабда бўлиб, бу ерда амалга оширилган кенг кўламли ишлар, таълим-тарбия сифати билан атрофлича танишди.

– Бухоро вилоятининг Жондор туманидан келиб, севимли шоиримиз номидаги мактабда таълим оляпман, – дейди 7-синф ўқувчиси Отабек Раҳматов. – Юртбошимизнинг мактабимизга ташрифи катта байрамга айланиб кетди. Биз Президентимиз билан учрашувда Абдулла Ориповнинг Ватан, эзгулик, инсонийликни мадҳ этувчи шеърларини зўр ҳаяжон билан ёддан айтдик.

– Давлатимиз раҳбарининг мактабимиз ўқувчилари билан қилган мулоқоти ғоят сермазмун ва самимий тарзда кечди, – дейди Қарши шаҳридаги Абдулла Орипов номли мактаб-интернат директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари Нозима Орипова. – Музейдан шоирнинг болалик йилларида фойдаланган буюмлари, сандал, ижодкорни аллалаган бешик, дутор, қўлёзмалар, суратлар, тўқилган гиламлар бор. Давлатимиз раҳбарининг тавсияси билан музейни экспонатлар билан бойитишга ҳаракат қиляпмиз.

Давлатимиз раҳбари ташриф давомида она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Муқаддас Абдужабборова билан ўн нафар ўқувчи иштирокида ташкил этилган мушоира дарсини ҳам кузатди. Республикамизнинг турли ҳудудларида фаолият бошлаган Иброҳим Юсупов, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Муҳаммад Юсуф номидаги мактаблар ўқувчилари билан ўзаро онлайн мулоқот тарзида ўтказилган ушбу машғулотда Президент болаларнинг шеър айтишувларини мароқ билан тинглади ва дарс охирида ўқувчиларга ўз совғаларини топширди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг "Сиз давлат мадҳиясини яратган шоир номи берилган мактабда ўқияпсиз. Мен сизларда Абдулла Ориповнинг Ватанга бўлган муҳаббатини, она халқини севишини кўрмоқчиман. Абдулла Орипов умрининг охиригача Ватанни куйлади. Сизнинг ҳам қаламингиз уники сингари ўткир бўлсин!" деган даъватлари ўқувчиларни руҳлантирди. Улар эл-юртига манфаати тегадиган, шу юрт, шу Ватан номини дунёга ёядиган етук шахслар бўлиб камол топишни кўнгилларига тукканлар. Бу ниятни уларнинг ёниб турган кўзларидан, дарсларда ўзгача шижоат ва ғайрат билан иштирок этаётганликларидан ҳам билиш қийин эмас.

Мактаб-интернатда нафақат она тили ва адабиёти, шу билан бирга информатика, инглиз тили, рус тили, география, биология, кимё, физика, тарих, ҳуқуқ, технология хоналари давлат таълим стандартига жавоб берадиган даражада жиҳозланган. Нутқ маданияти, ифодали ўқиш, нотиқлик санъати бўйича ҳам алоҳида дарс соатлари олиб бориляпти. Шунингдек мактабда кутубхона, 210 ўринли фаоллар зали, ошхона, ётоқхона мавжуд. Яқинда "Абдулла Орипов қалдирғочлари" шеърий тўплами Тошкентдаги "Istiqlol nuri" нашриётида чоп этилди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Абдулла Орипов ҳақидаги илиқ фикри билан очиладиган тўпламдан ўттизга яқин ёш истеъдод соҳибининг шеърлари ўрин олган.



Мактаб жамоаси Президентимиз ташрифидан руҳланиб ўзгача куч-ғайрат билан фидоийлик кўрсатяпти. 2018 йил 21 март куни шоир таваллуди муносабати билан Абдулла Орипов номидаги хиёбон янада ўзгача манзара касб этади. Қад ростлаган ҳайкал ҳудуди гулзорга бурканиб, фавворалардан отилаётган зилол сувларга монанд шоир шеърлари унинг, издошлари овозида янграйди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда ўтказиладиган тадбир шеърият, адабиёт байрамига айланади.

Дарҳақиқат, шоир номидаги ушбу илм масканида умид ғунчалари камол топяпти. Уларнинг интилишларида, бийрон сўзларида, тийран боқишларида нурли келажак, порлоқ истиқболга бўлган ишонч ёрқин акс этиб турибди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**



Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Қорақалпоғистон Республикаси

# АГЕНТЛИККА ХИЗМАТ МАШИНАЛАРИ

**Нукусда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг Оролбўйидаги бир қатор туман марказларига хизмат автомашиналарини топшириш маросими бўлиб ўтди.**

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Ерниязов, Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.Давлетов ва бошқалар Президентимиз раҳбарлигида аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга тўхталишди.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 декабрдаги "Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига мувофиқ Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги, унинг тасарруфида ҳудудий бўлинмалар, шаҳар ва туман марказлари ташкил этилди. Фармон асосида "ягона дарча" тамойили бўйича кўрсатиладиган 58 та, жумладан, уй-жойларнинг сув ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш, якка тартибда уй-жой қуришни амалга оширишга рухсатнома олиш, турар жойи бўйича рўйхатга олиш (прописка) ва рўйхатдан чиқариш ҳисобга қўйиш, турли архив маълумотномалари, патентлар, гувоҳномалар ва расмий ҳужжатлар дубликатларига эга бўлиш каби давлат хизматлари рўйхати тасдиқланди. Эндиликда мазкур тамойил нафақат тадбиркорлик субъектларига, балки бевосита фуқароларга ҳам хизмат кўрсатишда амал қилади. Марказларнинг хизмат автомашиналари билан таъминланиши эса чекка ҳудудлар аҳолисига ҳам давлат хизматларини кўрсатиш ва унинг сифатини ошириш имконини беради.

Тадбирда бир қатор туман давлат хизматлари марказларига хизмат автомашиналарининг калитлари топширилди.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Жиззах вилояти

**Мамлакатимизда электр энергиясидан фойдаланишда кўплаб имтиёзлар ва янгиликлар яратилган. Аммо орамизда улардан ноқонуний фойдаланадиганлар ҳам учраб турибди.**

# НОҚОНУНИЙ «ТАДБИР» ҒАЛВА КЕЛТИРДИ

Мажбурий ижро бюроси Бахмал тумани бўлими ходимлари томонидан ўтказилган текширув тадбирларида тадбиркор Рихсибой Асилбеков (исм ва фамилияси ўзгартирилган) ўзига тегишли умумий овқатланиш шохобчасида электр тармоғидан анча вақтлардан бери ноқонуний тарзда фойдаланиб келгани аниқланди. Тадбиркор электр энергиясидан фойдаланиш тўғрисида туман электр тармоқлари корхонаси билан тегишли тартибда шартнома тузмаган ва ўрнатилган электр ҳисоблагич ускунасининг муҳри (пломба) бўлмаган, бундан ташқари, электр энергиясига тўғридан-тўғри уланиб фойдаланиб келган.

Ҳисоб-китобларга кўра, "тадбиркор"нинг "тадбири" натижасида туман электр тармоқлари корхонаси йигирма миллион сўмдан зиёд зарар кўрган. Бу биргина туманга эмас, балки Ватанимиз иқтисодиётига етказилган зарардир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан ҳуқуқбузардан зарар тўлиқ ундирилди.

**Даврон ИСРОИЛОВ,**
*Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси бўлим бошлиғи.*

Сирдарё вилояти

**Президентимизнинг пиллачиликни ривожлантиришга қаратаётган эътибори натижасида қатор вилоятлар, чунончи, Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида пилладан бир йилда уч марта ҳосил етиштирилмоқда. Ҳосилдор, касалликка чидамли тут кўчатлари танлаб экилаётгани, тутзорларнинг кўпайтирилаётганлиги, соҳага илғор технологияларни жалб этиш пиллачиликни тизимли равишда ривожлантириш имконини бераётир.** Ланган мақсад пиллачиликни сердаромад соҳага айлантириш, унинг дунё бозоридан мустаҳкам ўрин олишига эришиш, провардида эса аҳоли фаровонлигини юксалтиришдир. Сирдарё туманида барпо этилаётган йирик пиллачилик мажмуасини ҳам ана шу хайрли ишларнинг дебочаси дейиш мумкин.

# «AGRO GLOBAL» – катта муаммолар ечимидир

Айтиш жоизки, авваллари фақат пилла етиштириб, хомашё сотган пиллачилар тармоқдан кўнгилдагидек фойда кўрмас, натижада пиллачилик соҳасида деярли ривожланиш кўзга ташланмасди. Аслида пилла дунё бозорида пахтага нисбатан бир неча баравар юқори қийматда баҳоланади. Давлатимиз раҳбари шунинг учун ҳам пиллани қайта ишлаш, уни матога ва тайёр кийим-кечакка айлантириб, сўнгра хорижий давлатларга экспорт қилишни вазифасини қўйди. Эндиликда Сурхондарё, Бухоро, Наманган вилоятларида етиштирилган пилла тўлиқ шу ернинг ўзида қайта ишланяпти. Янги технологиялар асосида ипак ва тайёр кийим-кечакка айлантирилиб, кенг ҳажмда экспорт қилиняпти.

Соҳага қаратилаётган эътибор натижасида соҳа бошқаруви Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидан ажратилиб, "Ўзбекипаксаноат" уюшмасига асос солинди. Қатор вилоятларда пиллани қайта ишлаш, ипак ва бўялган матодан кийим-кечаклар тикишга ихтисослашган замонавий фабрикалар ишга туширилди. Муҳими, бу борада кўзда тутилган, 2017-2021 йилларда пиллачиликни тўлиқ саноат негизига ўтказиш асосий вазифа этиб қўйилган истиқболли лойиҳалар талайгина. Шулардан бири жорий йилда Сирдарё туманида фаолияти йўлга қўйиладиган "AGRO GLOBAL" пиллани қайта ишлаш, ипакдан тайёр мато ва кийим-кечаклар тикиш фабрикаси лойиҳасидир.

"Камолот" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида барпо этилаётган корхонанинг лойиҳа қиймати 5 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Шунинг 2,5 миллион доллари банк кредити, қолган ярми эса инвесторларнинг маблағлари ҳисобидан шакллантирилади. Фабрика тўлиқ ишга тушгач, йилига 10 миллион АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинади ва биринчи босқичнинг ўзида сирдарёлик ёшлар учун 100 дан ошиқ янги иш ўрни яратилади. Айни пайтда бу ерда қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Шу йилнинг биринчи ва иккинчи чоракларида корхонанинг дастлабки навбати ишга туширилади.

2021 йилгача эса ипакни қайта ишлаш, тайёр маҳсулот – кийим-кечак ишлаб чиқарадиган иккинчи лойиҳа ҳам охирига етказилиб, ипакчилик соҳасидаги Хитой технологияси билан жиҳозланган энг йирик замонавий фабрикалардан бирига айлантирилади.

Корхона қурилишига ҳамоҳанг хомашё базасини мустаҳкамлаш ниятида жорий йилнинг ўзида вилоятнинг ҳар бир туманида иккитадан, 16 та янги пиллахона қурилади. Бундан ташқари, вилоятда ипак қурти озуқа захирасини яхшилаш учун 280 гектардан ошиқ майдонда кўп барг берадиган, юқори ҳосилдор янги тутзорлар барпо қилинади. Айни вақтда маҳаллий шароитга мослаштирилган сара кўчатларни экиш ишлари тезкорлик билан бошлаб юборилди.

Вилоятдаги мавжуд 1323 гектар майдондаги тутзорлар, 639 минг дона якка тутларни парваришлаш, янги кўчатлар ҳисобига тўлдириш, таъмирлаш ишлари ҳам пиллачилар зиммасига катта масъулият юклайди. Шу мақсадда туман пиллачилик идоралари раҳбарлари масъулияти янада оширилди. Улар таъсисчи-тадбиркор томонидан хизмат машиналари билан таъминланди. 20 нафар пиллачилик агрономлари саралаб олинди. Олиб борилаётган ишлар, татбиқ этилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад пиллачиликни сердаромад соҳага айлантириш...

"AGRO GLOBAL" фабрикаси қурилишига тамал тошини қўйишга бағишланган тадбирда шу соҳага дахлдор республика ва вилоят ташкилотлари раҳбарлари, соҳа ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

"Ўзбекипаксаноат" уюшмаси раиси Баҳром Шарипов, Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари Комилжон Собиров ва оқсоқоллар янги барпо этилаётган корхона пойдеворига ғишт қўйиб янги корхона қурилишини бошлаб бердилар.

– Мазкур корхонанинг бунёд этилиши келажакда вилоятда етиштириладиган 500 тоннадан ошиқ пиллани шу ернинг ўзида қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириш имконини беради, – дейди "AGRO GLOBAL" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Иззат Норматов. – Фабрикада 300 нафардан ошиқ ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлади. Туманлардаги барча пиллачилик идоралари раҳбар ва ходимлари, ипак қурти боқувчиларни ҳам ҳисобга олсак, 10 мингдан ошиқ киши иш билан таъминланади.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Тошкент вилояти

**Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 5-6 январь кунлари вилоятга ташрифи чоғида ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар билан яқиндан танишди. Шунингдек, шаҳар ва туманларни айланиб, аҳолининг турмуш тарзини синчиклаб ўрганди, маҳаллаларга кириб, оддий одамлар билан дилдан суҳбат қурди, натижада уларни қийнаб келаётган баъзи муаммо ва камчиликлар жойида бартараф қилинди. Бу, шубҳасиз, вилоят аҳлининг кўнглини тоғдек кўтарди.**

# ХАЛҚ РОЗИ БЎЛСА

## юртда барака, ишда унум бўлади

Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги сўзлаган нутқида эса келажакда қилиниши лозим бўлган долзарб вазифаларни аниқ белгилаб берди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қайд қилинган камчилик ва нуқсонларнинг тезлик билан бартараф этилиб, узоқ йиллардан буён тўпланиб қолган муаммоларнинг ижобий ечим топаётгани воҳа аҳли кайфиятини кўтариб, кўнгилларини шодлантирмоқда.

– Давлатимиз раҳбарининг ташрифи маҳалламиз аҳлининг ёдидан чиқмайдиган воқеа бўлди, – дейди Янгийўл шаҳридаги "Файзли" МФЙ раиси Тоҳир Холдоров. – Ахир шодланмай бўладими? Давлат раҳбари кўчаларда пиёда юриб, оддий аҳоли яшаётган хонадонларга кириб борди. Фуқаролар билан юзма-юз суҳбат қуриб, уларнинг дардларини, орзу-истакларини диққат билан тинглади. Муаммоларини жойида ҳал қилди. Бугун Президентимиз билан мулоқот чоғида янги уй соҳибаси бўлган Дилором Узоқова ва унинг кекса онасининг қувончи чексиз. Сабаби Дилором ёлғиз она сифатида саккиз ёшли ўғли ва онаси билан кўп йиллардан буён ижарада қийналиб яшаётганди. Тўғриси, маҳалла фуқаролари йиғини ҳам, шаҳар ҳокимлиги ҳам кам таъминланган бу аёлга зарур ёрдам кўрсатолмаётганимиздан хижолатда эдик. Чунки қурилаётган арзон уй жойлардан олишга ҳам бошланғич бадал зурур. Давлатимиз раҳбари топшириғи билан ёлғиз аёлнинг неча йиллардан буён армон бўлиб келаётган орзуси ушалиб, ниятига етди.

Яна бир маҳалладошимиз ёш футболчи Комилжон Исмоилов ҳам Президентимиз билан мулоқот чоғида "Бунёдкор" футбол мактаби тарбияланувчиси бўлиш орзуси эканлигини билдирганди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай "Бунёдкор" футбол клуби раҳбарияти Комилжонни мактабга таклиф этди. Мана бир ойки, Комилжон иқтидорли ўсмирлар сафида "Бунёдкор" футбол мактабининг тўлақонли аъзоси сифатида машғулотларда иштирок этмоқда.

– Президентимиз ташрифи давомида "Занги ота" зиёратгоҳида ҳам бўлди, – дейди Юқори Чирчиқ тумани ҳокими ўринбосари Матлуба Миртурсунова. – Мажмуа зиёрати давомида давлатимиз раҳбари "Аждодларимиз, ота-оналаримиз, умуман олганда, ўтганларга ҳурмат бажо келтириш, уларнинг қабрларини обод қилиш ҳар биримизнинг вазифамиздир", дея алоҳида таъкидлади. Юртбошимизнинг ушбу сўзлари барчани ҳаракатга келтирди. Вилоят ҳокимининг "Ободонлаштириш зарбдор уч ойлиги"ни ўтказиш бўйича фармойиши қабул қилинди. Айни вақтда бутун воҳа ҳудудида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилявти. Мазкур тадбирлар доирасида туман, шаҳар ва қишлоқлардаги қабристонларни тартибга келтириш, атрофини ўраш, уларни файзли зиёратгоҳларга айлантириш кўзда тутилган. Амалга оширилган ишларни танқидий кўриб чиқиш асносида шу нарса аён бўлдики, бу борада туманимизда ҳам эътибор қаратилмаган камчиликлар кўп экан. Ҳокимликда бўлиб ўтган йиғилишда мавжуд 57 та қабристоннинг ҳолати муҳокама қилинди. Уларнинг 31 тасидаги аҳвол бутунлай қониқарсиз эканлиги қайд этилди. Мавжуд камчиликларни тугатиш, ота-боболаримиз ва аждодларимиз мангу қўним топган масканларни файзли қадамжоларга айлантириш, ўтганлар руҳини шод этиб, хотираларини эъзозлаш мақсадида туман фаоллари, депутатлардан иборат ишчи гуруҳлар тузилди. Ҳар бир қабристонни ободонлаштириш, манзарали дарахт ва гуллар экиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

– Президентимизнинг ярим йил давомида вилоятимизга тўрт бора ташриф буюриши ушбу ҳудуд келажагига алоҳида эътибордан далолат беради, – дейди Чирчиқ давлат педагогика институтининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Баҳодир Ҳусанов. – Одамларни қувонтираётган жиҳатлардан бири, давлатимиз раҳбари ташрифлари чоғида вилоятнинг маъмурий маркази ўзгарганлиги сабаб кўп ишларни бошдан бошлаш лозимлигини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир масалага диққат билан ёндашмоқда. Ижтимоий, иқтисодий соҳалари изчил ривожлантириш баробарида, маънавий-маърифий, маданият соҳалар тараққиётига ҳам катта эътибор бермоқда. Чирчиқ шаҳри ҳадемай вилоятимизнинг энг сўлим гўшаларидан бирига айланади. Уни янги шаҳарсозлик андозалари асосида бутунлай қайта қуришга асос солинмоқда. Шу жумладан, истироҳат боғи ҳақиқий маданий масканга айланади. Яна Чирчиқ дарёси бўйида сўлим сайлгоҳ бунёд этилади. Чирчиқ давлат педагогика ва жисмоний тарбия институтлари муҳташам ўқув даргоҳлари мақомига эга бўлади. Тошкент вилоятида янги театр ташкил этиш борасидаги давлатимиз раҳбарининг таклифи воҳа аҳлини беҳад руҳлантириб юборди. Ушбу хушхабардан маънавиятчи педагог сифатида хурсанд бўлдим. Бу санъат даргоҳи халқимиз маънавиятини юксалтириши баробарида, ёшларимизни эзгу ғоялар билан камол топтиришда муҳим маданият масканига айланиши шубҳа йўқ.

Юқоридаги мулоҳазалардан кўриниб турибдики, вилоятда давлатимиз раҳбари томонидан таъкидлаб ўтилган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Аммо булар ҳаммаси эмас. Ҳали айтиб ўтилган нуқсонларни, ўтган давр мобайнида турли соҳаларда йўл қўйилган камчиликларни тугатиш учун анчагина тўр тўкиш лозим. Бу эса вилоятда барча соҳаларда халқ билан бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилиш лозимлигини кўрсатади.

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**



ДЕҲҚОНЧИЛИКДА ЯНГИ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР

**Кейинги вақтда тадбиркорларимиз қишда ҳам дастурхонлар тўкинлигини таъминламоқдалар. Изланишлар самарасида субтропик ўсимликлардан бири – лимон маҳаллий иқлимимизга мослашиб, ундан юқори даромад олиш имкониятлари яратилди. Лимон асосан иссиқхона шароитида етиштирилади. Уни ҳандақ усулида парваришлаш эса ҳам харажатни тежаш, ҳам ҳосилдорликни ошириш имконини яратади. Қуйидаги ҳандақ усулида лимон парваришлаш ҳақида маълумотлар берилади.**

# ҲАНДАҚДА ЛИМОНЛАР, ЛИМОНЛАРДАН МИЛЛИОНЛАР

Бир сотих ҳандақда (3×3 метр схемада лимон эксак), ўртача ўн дона кўчат бўлади. Ҳандақда ўстирилган битта дарахтдан ўртача 200-250 тагача лимон меваси олиш мумкин. Лимон кўчатлари учинчи йилдан тўлиқ ҳосилга киради. Шу даврда лимон кўчатлари қатор орасига сабзавот ва кўкат экинлари экиш мумкин.

**Энди ҳандақни тайёрлаш, кўчатни экиш ва ҳосилни парваришлаш технологияси билан танишамиз.**

**Тупроққа ишлов бериш.** Ҳандақларда кўчат экишдан олдин тупроғи яхшилаб текисланади ва бир сотих майдонга 600-800 кг. чириган гўнг, 60 кг. суперфосфат ҳамда 15 кг. калийли ўғитлар солиниб, 25-30 см. чуқурликда ишлов берилади.

**Кўчат экиш схемаси ва муддати.** Лимон кўчатларини 5 метрли ҳандақларга икки қатор жойлаштириб, девордан 1 метр, қатор ораси 3 метр, туплар ораси 3 метр экиш схемасида экилади.

Лимон кўчатларини экиш учун ажратилган майдонларга 60 см.ли чуқурлар қазилиб, кўчатларни ўтказиш пайтида ҳар бир чуқурчага 10-15 кг. чириган гўнг, 100-150 грамм суперфосфат ва 50 грамм калийли ўғит тупроқ билан яхшилаб аралаштириб солинади.

Лимон ўсимлигининг илдиз тизими яхши ўсган бир ва икки ёшли кўчатлари баҳорда (март) ёки кузда (октябрь) экилади.

**Кўчатларга қўйиладиган талаблар.** Бир ёшли лимон кўчатларида 3-4 та биринчи тартиб пишган новдалар ва танасининг йўғонлиги 0,7-0,8 см, икки ёшли кўчатларда эса иккинчи тартибдаги новдалар, танасининг йўғонлиги эса камида 1 см. бўлиши керак.

**Суғориш.** Лимон қулай ўсиши ва яхши мева бериши учун тупроқнинг мақбул намлиги тўла намлилик сиғимидан 70-80 фоизни ташкил этиши керак. Мавсумда 25 маротабагача суғориш ўтказилиб, уларнинг миқдори об-ҳаво шароити ва ўсимлик ҳолатига қараб белгиланади. Декабрь, январь, февралда – 1 маротабадан, мартда – 2 маротаба, апрель ва майда – 3 маротабадан, июнда – 4 маротаба, июль ва августда – 4-5 маротабадан, сентябрда – 3 маротаба, октябрда – 2 маротаба, ноябрда – 1-2 маротаба, шу жумладан, 5-6 маротаба гўнгли "шарбат" билан суғорилади.

**Ўғитлаш.** Кўчат ўтқазилгач, иккинчи йилдан бошлаб ҳар йили қиш олдидан ишлов беришда гўнг ва суперфосфат солинади. Уч ёшгача бўлган ўсимлик тагига 10 кг. гўнг, 20 граммдан азот ва фосфор ҳамда 10 грамм калий ўғити солинади. Ҳосилли лимон туплари тагига эса 20-25 кг. гўнг ва 80-100 грамм фосфор (тупларнинг ёши катталашган сари солинадиган ўғитлар миқдори кўпайтирилади), 80-120 грамм азотли ва 40-60 грамм калийли ўғитлар солинади. Бунда минерал ўғитлар икки муддатда: 50 фоиз февралда, қолган 50 фоиз май охири июнь бошларида солинади.

**Шох-шаббаларини кесиш ва шакл бериш.** Ўсиб кетган ва шаклланган новдаларни дарахт ёшига муносиб равишда сийраклаш, чилпиш ва буташ йўли билан мунтазам парваришлаш жуда зарур. Бунда тупнинг ўсиши ва мева бериши яхшиланади.

Кўчатлар доимий жойга ўтқазилгандан сўнг икки йил ўтгач, тўла шаклланади. Тепа қисмида 4- ва 5-тартибдаги шохлар юзага келиб, дарахт мева беришга киришади.

Ёзда чанг қоплаган баргларини вақти-вақти билан эрталаб ювиб туриш лозим. Бу тадбир баргларда пластик моддалар захираси тўпланишини ва фотосинтезининг меъёрида ўтишини таъминлайди.

**Зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш.** Лимон дарахти кўпинча юмшоқ сохта қалқондор, ўсимлик битлари, каналар билан зарарланади. Ушбу зараркунандаларга қарши омайт (10 литр сувга 3-4 грамм), данадин (10 литр сувга 10 грамм), нигуол, алтикор (10 литр сувга 1,5 грамм) кимёвий препаратларни ўсимликнинг ҳамма қисми, айниқса, баргларининг пастки тарафидан пуркалади. Ўсимлик ғунчалаган ва гуллаган даврида пуркаш мумкин эмас. Ишлов эрталаб ва кечқурун ўтказилади.

Қора куясимон замбуруғларга қарши 1 фоизли бордо суюқлиги эритмаси ёки 0,5 фоиз мис, хлор оксиди эритмаси пуркатилади.

Ўсимлик танаси гоммоз елим оқиш билан касалланганида, касалликнинг илк босқичида шикастланган пўстлоқ қисми ва ёғочи соғлом қатламгача кесиб ташланади. Бундан сўнг тозаланган жой 3 фоизли мис купороси билан дизенфекция қилинади ва боғ қатрони билан қопланади. Қатрон тайёрлаш учун канифоль ва асалари мумига (2:1) оз миқдорда мол ёғи қўшиб эритилади.

***Бир сотих ҳандақда лимон етиштиришга сарфланадиган харажат ва олинадиган даромад (ҳандақ схемаси 5×20 метр, экиш схемаси 3×3 метр).***

| № | Тадбирлар | Ўлчов бирлиги | Нархи, сўм | Жами, сўм |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Жами харажат | | | 2 698 000 |
| 1.1. | Темир конструкция ясаш | | | |
| | каркас ва ферма (арматура 14 мм.) | 180 метр | 7 500 | 1 350 000 |
| | сим (2 мм.) | 540 метр | 1 200 | 648 000 |
| | Меҳнат харажатлари | | | 700 000 |
| 2 | Полиэтилен плёнка (0,08 мм.) | 15 метр | 19 000 | 285 000 |
| 3 | Кўчат сарфи | 10 та | 20 000 | 200 000 |
| 4 | Ўғит сарфи | | | 33 000 |
| 4.1. | Маҳаллий ўғит | 600 кг. | 50 | 30 000 |
| 4.2. | Минерал ўғит | 0,5 кг. | 2 000 | 1 000 |
| 5 | Кимёвий кураш харажатлари | | | 15 000 |
| | Жами харажатлар | | | 3 231 000 |

***Олинадиган ҳосил***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 2-йил | 10 кг. | 5 000 сўм | 50 000 сўм |
| 3-йил | 40 кг. | 6 000 сўм | 240 000 сўм |
| 4-йил | 200 кг. | 7 000 сўм | 1 400 000 сўм |

***Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассислари маълумотлари асосида тайёрланди.***

**Миллий матбуот марказида "Кафолат суғурта компанияси" акциядорлик жамиятининг 2017 йилги фаолияти таҳлилига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.**

# «КАФОЛАТ» БАРҚАРОР ФАОЛИЯТ УЧУН КАФОЛАТ ЯРАТМОҚДА

Унда таъкидланганидек, Президентимизнинг 2017 йил 9 октябрдаги "Кафолат суғурта компанияси" акциядорлик жамияти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори суғурта компаниясининг халқаро стандартлар асосида хизмат кўрсатишида муҳим омил бўлмоқда.

"Кафолат суғурта компанияси" АЖ томонидан 2017 йилда 726,3 мингдан зиёд суғурта шартномаси имзоланиб, 80,3 миллиард сўм суғурта мукофотлари жамланган. Ўтган йили компания мижозларидан келиб тушган 7,5 мингга яқин аризалар асосида 23,7 миллиард сўм суғурта тўловлари амалга оширилган. Таҳлилларга кўра, 1 ариза бўйича ўртача тўлов миқдори 3,2 миллион сўмни ташкил этган.

Ўтган йил якунлари бўйича халқаро ташкилотлар томонидан компания фаолиятининг "барқарор" дея баҳоланиши истиқболли ҳамкорликнинг кучайишига хизмат қилмоқда.

Компания фаолиятини янада жадаллаштириш, мижозларга қулайлик ва имкониятлар яратиш учун истиқболли режаларини белгилаб олган. Хусусан, олис ҳудудларда янги бўлинмалар тармоғини ташкил этиш, шу орқали иш ўринларини яратиш, компания тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш, халқаро етакчи суғурта компаниялари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, инновацион суғурта маҳсулотларини яратиш, суғурта хизматларини интернет тармоғи орқали сотишни ривожлантириш каби чора-тадбирлар компания олдидаги муҳим вазифалар сирасига киради.

**Дилором КОМИЛЖОНОВА,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Наманган вилояти

***Президентимиз ўтган йили вилоятга ташрифи чоғида ковул ўсимлигини етиштиришни йўлга қўйиш, ривожлантириш, ишлаб чиқариш, экспорт ҳажмини ошириш борасида тегишли топшириқлар берган эди. Бу эса тадбиркорларга истиқболли режаларини амалга оширишлари учун қанот бағишлади. Ўтган давр мобайнида Чуст туманининг Ғалаба, Сабзазор, Ахча массивлари ҳудудидаги 5130 гектар майдон тадбиркорларга ковул плантациялари ташкил этиш учун ажратиб берилди.***



# КОВУЛ – ОЁҚ ОСТИДАГИ ДАРОМАД

## эътибор боис у юзага чиқмоқда

Мамлакатимизда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган "Барака мева саноат сервис" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Содиқжон Ҳасановнинг таъкидлашича, ковул Жиззах вилоятининг Зомин, Ғаллаорол, Фориш, Шароф Рашидов номли, Андижон вилоятининг Булоқбоши, Наманган вилоятининг Чуст ва Косонсой туманлари ҳудудида табиий ҳолда ўсади. Унинг экспорти 2009 йилдан йўлга қўйилган.

– 2014 йил 18 февралда БААнинг Дубай шаҳрида ўтказилган "Жаҳон озиқ-овқат маҳсулотлари кўргазмаси"да иштирок этиб, Туркиянинг "Денамикес" ва "Денизли" фирмалари билан шартнома тузишга муваффақ бўлдик, – дейди у. – Шу йили 187 минг, 2015 йили 317 минг, 2016 йили 581 минг АҚШ долларилик ковулни экспорт қилдик. 2017 йилда эса Италиянинг "Маприком" компаниясига 242 тонна, Туркиянинг "Денашикес", "Денизли" фирмаларига 495 тонна ковул етказиб берилди. Жорий йилнинг ўтган даврида Италияга 100 минг долларлик маҳсулот жўнатдик. Омбордаги 122 тонна сифатли, харидоргир маҳсулот март ойида экспорт қилишга тахт қилиб қўйилган. Юқоридаги компания ва фирмалар билан жорий йилнинг 18 апрель кунига учрашув белгиланган бўлиб, келишувларга кўра, шу йилда умумий қиймати 1 миллиард 700 минг АҚШ долларилик ковул етказиб берилади.

Мазкур корхона томонидан 334 гектар майдонда грек ёнғоқзорларини барпо этиш ишлари ҳам жадал олиб борилмоқда. Шунингдек, хорижга нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари жўнатишни кўпайтириш, балки уларни қайта ишлаб, тайёр маҳсулотни экспорт қилиш борасида ҳам изланишлар олиб борилявти.

– Айни кунларда 2 гектарлик майдонда юз нафардан кўпроқ қурувчилар ковул кўчатларини тайёрлаш учун иссиқхона ва ярим тайёр маҳсулотларни турли ҳажмда қадоқлайдиган завод барпо этиш ишларини жадал суръатларда олиб бормоқда, – дейди Содиқжон Ҳасанов. – Италиянинг "Маприком" компанияси билан ҳамкорликда иш олиб борадиган қўшма корхона 2019 йилда фаолиятини бошлайди. Йилига "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи остида 3 минг тоннадан зиёд маҳсулот экспорти йўлга қўйилади. Қувонарлиси, шу кунгача фойдаланилмай ётган дашт ерларда ташкил қилинаётган ковулзор, ёнғоқзор, иссиқхоналар негизида кўплаб янги иш ўринлари яратилади.

**Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Самарқанд вилояти

# ТУРИЗМ ИСТИҚБОЛИНИ КЎЗЛАБ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 ноябрдаги тегишли қарори билан Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Шаҳрисабз шаҳарларида хавфсиз туризмни таъминлаш концепцияси тасдиқланган эди.**

Унга кўра, ушбу ҳудудларнинг Ички ишлар бошқармаларида хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармалари ташкил этилиши, уларнинг бошлиқлари бир вақтнинг ўзида ИИБ бошлиқлари ўринбосарлари ҳисобланиши, шахсий таркиб эса танлов асосида чет тилларини биладиган ходимлар сафидан шакллантирилиши белгилаб қўйилганди.

Самарқанд вилоятида ҳам Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ташкил этилди. Бунинг учун алоҳида бино ажратилиб, бошқарма учун Самарқанд давлат чет тиллар институтини битирган, инглиз, француз, япон, корейс ва бошқа хорижий тилларни мукаммал биладиган ҳамда тарихий обидалар, миллий қадриятлар ва тарихимизни чуқур ўрганган 50 нафар ходимдан иборат шахсий тарқиб тузилди. Бошқарманинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, зарур техника воситалари билан таъминланди.

Соҳа ходимларидан талаб қилинадиган асосий вазифалар хорижлик меҳмонга нисбатан хушмуомалалик билан муносабатда бўлиш, зарур вақтда тиббиёт қутичасидаги дори-дармонлар билан ёрдам бериш, улар бормоқчи бўлган тарихий обидалар, маданий объектлар ҳамда меҳмонхоналарга кичик харита ёрдамида йўналтиришдан иборатдир.

– Бу амалиёт туризм ривожланган давлатларда йўлга қўйилган бўлиб, унга меҳмон тарихий обидаларга ташриф буюрган вақтида, ҳолдан тойган ёки биринчи ёрдам зарур вақтларида эҳтиёж сезади, – дейди тажрибали гид-таржимон, "Дўстлик" ордени соҳиби Муродхон Эргашев. – Бу тадбирлар юртимизда сайёҳлик соҳасининг янада равнақ топишига хизмат қилади.

**Нуриддин БОЛИЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

**Қашқадарё** вилояти

**Бир гуруҳ ҳиндистонлик шифокорлар вилоятга ташриф буюрди. Бундан кўзланган мақсад ўзаро ҳамкорликда турли хасталикларга ташхис қўйиш ва даволаш бўйича ҳар икки давлат тиббиётида эришилган ютуқларни баҳам кўришдир.**

# ҲИНДИСТОНЛИК ШИФОКОРЛАР ҚАШҚАДАРЁДА

– Ўзбекистонда тиббиёт илмининг султони Абу Али ибн Синонинг издошлари билан тажриба алмашиш биз учун катта шараф, – дейди Дуа Викрам. – Бу ердаги инновацион технологиялар, замонавий тиббий жиҳозлар, шифокор ва беморлар учун яратилган шароит ва имкониятлар таҳсинга лойиқ.

Маҳаллий шифокорлар ҳиндистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорликда Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё филиалида нейрохирургия, онкология, урология ва дерматология касалликлари билан оғриган ўта оғир асоратли беморларни тиббий кўрикдан ўтказишди ҳамда муолажа қилишди. Шунингдек, жарроҳлик амалиёти ўтказилди.

– Мазкур тиббий-кўрик аҳоли саломатлиги йўлида соҳага илғор хориж тажрибаларини жорий этиш мақсадида ташкил қилинди, – дейди Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори Бегали Ҳакимов. – Хорижлик шифокорларнинг ташрифи маҳаллий мутахассисларнинг аниқ ташхис қўйиш, мураккаб муолажаларни амалга ошириш ва жарроҳлик амалиёти борасидаги тажрибасини янада бойитишга хизмат қилади.

**Ҳусан ТЕМИРОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.**

**ЭЪЛОН**

*Барча турдаги лойиҳа-қидирув ташкилотлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти қуйидаги объектга лойиҳа-қидирув ташкилотини аниқлаш бўйича танлов ўтказилишини эълон қилади:**

1. Самарқанд шаҳридаги “Сиёбча” ва “Чашма” очиқ коллекторларини ёпиқ коллекторга айлантириш.

Буюртмачининг бошланғич нархи – 88 400 000 сўм. Лойиҳа қуввати – 0,540 км.

Ишларни тугатиш муддати – танлов савдолари ўтган кундан бошлаб 70 кун.

Лойиҳа ишларини молиялаштириш Мелиорация жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти буюртмаси асосида лойиҳа-қидирув ишларини амалга ошириш бўйича танлов савдоларида иштирок этадиган талабгор корхоналарга қўйиладиган талаблар:

– ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари, молиявий имкониятлари етарли бўлиши;

– шартнома расмийлаштириш юзасидан фуқаролик муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга бўлиши;

– сув хўжалиги соҳасида лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўйича тажриба ва малакага эга бўлган мутахассислари етарли бўлиши талаб этилади.

Булардан ташқари:

– сув хўжалиги объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш (3 категория) ва геодезия ишларини амалга ошириш учун берилган лицензия ҳамда шартномаларнинг нусхаси (асл нусхаси);

– хизмат кўрсатувчи банкдан, ташкилотнинг картотека К-2 ҳисобидаги кредиторлик қарздорлиги тўғрисида банк маълумотномаси қатъий тарзда асл нусхасини тақдим этилиши сўралади.

Агарда талабгор ташкилотнинг геодезия ишларини амалга ошириш учун лицензияси бўлмаса, тегишли лицензияга эга бўлган ташкилот билан тузилган ва қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартноманинг асл нусхаси бўлиши шарт.

Шу билан бирга, геодезия ишларини амалга ошириш учун лицензияси бўлган ташкилот, бевосита ушбу танлов савдоларида лойиҳачи сифатида ҳам қатнашаётган бўлса, бошқа ташкилотлар учун геодезия ишларини амалга ошириш муддатига таъсир этмаслиги лозим.

Тегишли лицензияси бўлган ташкилотларга танлов ғолибини аниқлашда устунлик берилиши алоҳида таъкидланади. Комиссия томонидан ушбу ҳолат таҳлил қилинади.

Танловда қатнашиш ва танлов ҳужжатлари ва лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича қўйилган талабларни олиш учун сўровнома асосида буюртмачига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:

Тошкент вилояти Қибрай тумани “Университет” кўчаси 2-уй. Тел.: (97) 708-32-77.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати офёрталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон газетада чоп этилган кундан 15 кун ўтгач, юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

***Русларнинг “Киши ҳақида мукаммал таассуротга эга бўлиш учун у билан бирга бир пуд туз ейиш керак”, деган ҳикматли ибораси бор. Шатранж ихлосмандларида эса “Ҳар қандай одамнинг ички дунёсини билмоқчи бўлсанг, лоақал бир қўл шахмат суриб кўр”, деган гап юради. Бу гапнинг нечоғли тўғри эканини билмайман. Аммо шу нарса ҳақиқатки, ҳаётда орттирган азизу қадрдонларнинг аксарияти билан “олтмиш тўрт катак” узра ашаддий рақиблашув баробарида дўстлашганман.***

# ҲАЁТДА БАРДАМ, ИЖОДДА ИЛДАМ, ШАХМАТДА ШАҲДАМ



Шуларнинг энг ҳурматлиларидан бири – Сайди ака Умиров. Заковатли олим, ёш ижодкорларнинг меҳрибону талабчан устози, оташин публицист ва сўнмас ғайрат-шижоатга эга тиниб-тинчимас бу инсон шахматни, футболни, қолаверса, спортнинг барча турларини, аввало, назарий жиҳатдан, яъни спорт журналистлари тайёрловчи етук мутахассис-мураббий сифатида, шу билан бир қаторда ўзи мунтазам шуғулланадиган моҳир амалиётчи рутбасида ҳаётининг ажралмас бўлагига айлантирган. Лекин...

Домланинг шахматга меҳр-муҳаббати, садоқати бўлакча. Зеро, у ушбу кўҳна ва мудом ёшариб, такомиллашиб борувчи сеҳр-синоатли, мўъжизакор ўйинни, инсон тийнатининг мунаввар кўзгуси, деб ҳисоблайди.

“Ақл, идрок, тафаккур қудрати, жисмоний ва руҳий етуклик, ирода ва қатъият, шаҳду журъат, матонату жасорат кўрсатиш қобилияти – ҳамма-ҳаммаси унда аён кўринади. Қолаверса, “ақл гимнастикаси” сифатида у мана шу фазилатларни шакллантиради, такомиллаштиради”, – дейди у. Ва такрор-такрор таъкидлайдики, ўзининг серқирра ижодкор зиёли бўлиб етишувида, саксондан сакраётганига қарамасдан мудом бардам, хушчақчақ, ҳаётсевар, дўстпарвар бўлиб юрувида шахматнинг хизмати беқиёс.

Зарафшондан баҳриёб Пойариқ соҳилларида оддий деҳқон оиласида туғилиб, машъум уруш туфайли эсини таниб улгурмаёқ отадан етим қолиб, заҳмату машаққатлар ила вояга етган бу инсон тақдирида журъат, меҳнат, қатъият ва ирода ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Самарқанд давлат университетини аъло баҳолар билан битказгач, олим бўлиш ва ижод этиш иштиёқида Тошкенти азимга отланар экан, шатранжчилар ибораси билан айтганда, бу “юриши”, албатта, ғалабага элтажагига астойдил ишонди. Айни пайтда шуни яхши билдики, билимини кунт билан оширмаса, тинимсиз такомиллаштирмаса, изланмаса, “мот бўлиб” орқага қайтишига тўғри келади. Мана, орадан салкам олтмиш йил ўтиб, натижа аён бўлиб турибди: Сайди Умиров пешқадамлар сафида!

Шахмат ўйинини ҳаётнинг инъикоси дедик. Бинобарин, шатранж тахтасидаги сингари турмушда ҳам баъзида кичик, арзимаган бир хато инсон қисматида ҳал қилувчи ўзгариш ясаши: толеини порлатиб юбориши ёхуд аламли мағлубиятга сабабчи бўлиши мумкин. Демак, қилинадиган ҳар бир юриш, яъни ташланадиган қадамдан олдин обдон ўйлаш, пухта ҳисоб-китоб ўтказиш, етти марта ўлчаш даркор. Айниқса, буни илму ижод билан шуғулланувчи кишилар бир дақиқа ҳам эътибордан фаромуш этмаслиги, теран англаб, шунга монанд ҳаракат қилиши талаб этилади.

Бу жабҳага кирган киши кенг миқёсли ва теран тафаккурга таяниши, айни пайтда майда икир-чикирларни, оддий бир детални ҳам назардан қолдирмаслиги лозим. Сайди Умиров илмий ишни мунтазам ижод билан уйғун тарзда олиб борар экан, бу ҳақиқатни дилига жо этиб олган.

Бинобарин, илмий-тадқиқот объекти сифатида бадиий асарларда деталь, яъни кичик ифода воситасидан фойдаланиш таҳлилини танлагани тасодиф эмас, деб ўйлаймиз. Яна унча-мунча эмас, ўзбек адабиётининг улкан қояларидан бири ҳисобланмиш Абдулла Қаҳҳорнинг шу борадаги маҳоратини ўрганиш ва ёш ижодкорларга дастуруламал бўладиган даражада очиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди ва илк мақолаларидаёқ шу мавзуни танлаб адашмаганини исботлади. Бундан эллик йил аввал “Шарқ юлдузи” журналида босилган “Абдулла Қаҳҳор – деталь устаси” сарлавҳали илмий мақоласи мутахассислар томонидан илиқ кутиб олинди. Ёш олим ушбу долзарб мавзуни кунт билан давом эттириб, фан номзоди бўлди, улуғ адибнинг юқори баҳосини олди. Шу билан биргаликда, илмий ҳамда ижтимоий публицистик ижодини бир дақиқа ҳам тўхтатгани йўқ. “Миллий маданиятлар ривожида танқидчиликнинг роли “рисоласи” Чингиз Айтматовнинг “нажот кемаси”, “Чин публицист – руҳан инқилобчи”, “Мулоқот мавзуси – маънавият”, “Янгича тафаккур манзаралари”, “Сўз мулкига саёҳат”, “Сўз дурларин термоқдур иши” сингари салмоқли тадқиқотлари ана шу ғайрат-шижоат ҳосилаларидир.

Узоқ йиллар давомида икки дорулфунун журналистика факультетларида ишлаш асносида минглаб, балки ўн минглаб ёш истеъдодлар қўлига қалам тутқазиб, ҳақиқий маънодаги устоз мақомига эга бўлди. Бунинг ёрқин исботи ўлароқ бўлажак шифокорларга аталган “Публицистик таҳлил”, “Тарихи тоза публицистика”, “Самарқанд журналистика мактаби”, “Даъваткор сўз”, “Ёшликнинг публицистик мавжлари”, “Мақоланависликда тил экологияси”, “Интернет ва аудиовизуал журналистика” сингари илмий мақола ҳамда тадқиқотларини кўрсатиш мумкин. Олимга давлатимиз раҳбарияти томонидан “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” унвони, Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи берилиши ана шу риёзатларнинг муносиб баҳосидир.

Ижтимоий публицистика – Сайди Умиров ижодининг ўткир ва бетакрор қирраси. У қаламга олган ҳар бир мавзу муштарий қалбининг энг нозик торларини чертади. Айтайлик, “Тил ҳақида сўз”, “Журналист халқнинг дилидаги гапни гапирса”, “Ҳаёт фалсафаси – яхшилик”, “Маънавият мулкига саёҳат” сингари мақолаларидан биронтасини бефарқ ўқиш мумкин эмас. Зотан, Сайди ака шунчаки қоғоз қоралаш учун эмас, дилидан чиққан, ақл-идрок чиғириғидан ўтган, халқнинг ўй-ташвишларига ҳамоҳанг, долзарб бир муаммони кўтариш, уни ҳал этиш йўлларини қидириш ҳамда кўрсатиш мақсадида олади қўлига қаламни. Айнан шунинг учун ҳам ёзганлари юрагингизга жойлашади, эзгу ҳислар уйғотади, яхшилик сари етаклайди.

Дарвоқе, шу маънода Сайди Умиров публицистик ижодини унинг марҳум устози, улкан олимларимиздан Ғайбулла ас-Салом бир сўз билан – “Яхшиликшунослик”, дея ифодалаган, бу ҳақда мақола ҳам ёзган эди. Бу эътирофнинг ҳаққонийлиги эса Сайди Умировнинг “Олтин қалам” халқаро миллий мукофоти билан тақдирланиши билан ўзининг барқарор ва мустаҳкам исботини топди.

Шу ўринда “Ярми ҳазил – ярми чин” қабилида бир гап: анча-мунча ҳамкасбларимиз ушбу нуфузли мукофотни қўлга киритганидан сўнг, “учи едирилиб қолмасин” дейишади шекилли, “пуф-пуфлаб” сандиқда сақлашга киришадилар. Яъни “Энг катта мақсадга эришдим”, дея ижодий фаолликни сусайтириб қўядилар. Сайди ака эса билъакс, ноёб маъдандан ясалган ижод қуролини мутлақо аямасдан тинимсиз ишлатмоқда: домлани Навоийда кончилар, узоқ Томди чўлларидаги чўпонлар, Сурхондарёнинг Тўпалон дарёсидаги сувчилар, Фарғонаю Наманганнинг ҳассос боғбону соҳибкорлари ҳузурида учратасиз. Республиканинг етакчи газеталари саҳифаларида у кишининг қаламига мансуб сафарнома-очерклар, эсселар, таҳлилий мақолалар, бағоят хушлаҳжа лавҳалар, завқли репортажлар узлуксиз босилиб турибди. Яқиндагина босмадан чиққан “Сеҳрли ва меҳрли сўз” номли салмоқли тўпламдан ана шу асарларнинг бир қисмигина жой олган. Ҳа, айтганча, Сайди Умиров публицистикасида ўзбек спорти ривожига оид долзарб, гоҳида анчайин оғриқли муаммолар ҳам мудом муносиб ўрин эгаллаб келмоқда. Чунки домланинг ўз таъбири билан айтганда, бугунги дунё ҳаётини спортсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Спорт ҳар бир мамлакатни, давлатни дунёга танитишда муҳим ўрин эгаллайди, қолаверса, миллатнинг соғлом, баркамол, буюк ишларга қодир бўлишида ғоят катта аҳамиятга эга. Бинобарин, спортни севиш, у билан мунтазам шуғулланиш, фарзанду невараларни ҳам мутассил шунга даъват этиш ҳар бир ватандошимизнинг бурчидир, дея таъкидлайди у ва ушбу ақидага ўзи қаттиқ амал қилади. Шу ўринда Сайди ака шахматдан ташқари футболнинг ҳам ашаддий ишқибози эканини, саксондалигига қарамасдан жаҳон тиллари дорулфунуни халқаро журналистика факультети футбол жамоасининг тренери сифатида самарали фаолият олиб бораётганлигини алоҳида эътироф этишимиз шарт.

Натижада ҳамиша соғлом, хушчақчақ, бардам, яхши спорт формасида ва ҳар қандай об-ҳаво шароитида ўтказиладиган мусобақаларда жанговар ҳолатда иштирок этишга шай.

Сайди Умиров айни кунларда республикамиз раҳбарияти томонидан ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни, жумладан, мамлакатимизда журналист кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштиришга қаратилган тадбирларни, хусусан, махсус журналистика университети ташкил этиш мўлжалланилаётганини зўр мамнуният ҳамда сафарбарлик ҳис-туйғулари билан кутиб олиб, илмий-педагогик, ижодий-публицистик ва спортдаги азму шижоатини янада оширмоқда. Зотан, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Ҳаётимизда ҳар куни рўй бераётган эзгу ўзгаришлар кексаю ёшнинг қалбига янада юксак орзулар, порлоқ умидлар бағишламоқда. Бас шундай экан, муҳтарам домламиз бундан буён ҳам узоқ йиллар давомида ҳаётда бардам, илму ижодда илдам, шахматда шаҳдам бўлиб юришини тилаб қоламиз.

**Ҳабиб ТЕМИРОВ**

**ЭЪЛОНЛАР**

**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚХММИ) 2017/2018 ўқув йили учун қуйидаги кафедраларнинг вакант жойларига танлов эълон қилади:**

Гидромелиорация тизимларидан фойдаланиш кафедраси – ассистент, доцент (0,5 ставка);

Ирригация ва мелиорация кафедраси – доцент, профессор;

Экология ва сув ресурсларини бошқариш кафедраси – ассистент;

Сув энергияси ва насос станцияларидан фойдаланиш кафедраси – кафедра мудири;

Гидромелиоратив ишларни механизациялаш кафедраси – доцент;

Электр таъминоти ва қайта тикланувчан энергия манбалари кафедраси – ассистент, доцент;

Давлат кадастрлари кафедраси – ассистент, катта ўқитувчи;

Иқтисодиёт кафедраси – катта ўқитувчи;

Гуманитар фанлар кафедраси – доцент;

Ахборот технологиялари кафедраси – доцент;

Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси кафедраси – профессор.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

– Ариза (ректор номига);
– Шахсий варақа (сўровнома);
– 2 дона 3х4 ўлчамдаги фотосурат;
– Илмий ва услубий ишлар рўйхати;
– Дипломлардан нусхалар;
– Малака оширганлиги тўғрисида сертификат нусхалари (охирги 5 йиллик);
– Паспорт нусхаси.

Аризалар матбуотда эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатгача қабул қилинади.

*Танловда қатнашишни хоҳловчилар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Кадрлар бўлими. Тошкент шаҳри Қори-Ниёзий кўчаси 39-уй. Телефонлар: (0-371) 237-19-49, 237-09-85.*

*Корхоналар ва ташкилотлар диққатига!*

**ТУЯМЎЙИН ГИДРОУЗЕЛИНИ ИШЛАТИШ БОШҚАРМАСИ**

*қуйидаги хизматлар бўйича танлов савдоларини эълон қилади:*

1. Объект: 2018 йил давомида Туямуйин гидроузелидаги гидротехник иншоотларнинг ҳолатини табиий ҳолда кўриш ва текшириш хизмати.

Хизматнинг бошланиши – 2018 йил февраль.

Хизматнинг якунланиши – 2018 йил декабрь.

Хизматнинг нархи (ҚҚС билан) – 36 100 100 сўм.

Танлов савдоларида қатнашувчиларга қуйидаги шартлар қўйилади:

– шартнома (контракт) тузишга лаёқатли, юридик ҳуқуққа эга;

– етарли касбий ва техникавий малакага (мутахассисларга) эга;

– объектлар Туркманистон давлати ҳудудида жойлашганлиги сабабли танлов савдоларида ғолиб чиққан корхона, ташкилотлар махсус рухсатномага эга бўлишлари зарур.

***Ҳужжатлар эълон газетада чоп қилинган кундан бошлаб 10 кун давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани Питнак шаҳри. Телефон: (0-362) 305-47-79, факс: (0-362) 305-49-06. Электрон почта: tuyatuyungu@agro.uz. Туямўйин гидроузелини ишлатиш бошқармаси маъмурий биноси.***

***Туямўйин гидроузелини ишлатиш бошқармасининг лойиҳа, кузатув ва таъмирлаш тадбирларида қатнашишни хоҳловчи корхона, ташкилотлар махсус рухсатнома расмийлаштиришлари учун биометрик паспортга эга ишчи-хизматчилар, машина-механизмлар, материаллар ва керакли асбоб-ускуналарнинг минимал рўйхатини жорий йилнинг 20 февралигача (электрон варианти билан бирга) тақдим этишлари мумкин.***

**Манзил: Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани Питнак шаҳри. Мурожаат учун телефон/факс: (0-362) 305-49-06, (0-362) 305-47-79.**

Тошкент вил. Янгийўл ш. Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Янгийўл ш. Самарқанд кўч. 355-357 уйлар оралиғида жойлашган ер майдони учун Суханбердиева Рано Абдуғаниевна номига берилган ТО № 0021273-рақамли кадастр гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. БТИ томонидан Чорсу 2-уй 1-хонадон учун Таджи-Аглаев Хотам Гулямович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

“CLEANING SERVICE TASHKENT” МЧЖ (СТИР 300826165) устав фонди 660 000 000 сўм 00 тийиндан 548 733 599 сўм 10 тийинга камайтирилади.

Тошкент вил. Янгийўл ш. Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Янгийўл ш. Самарқанд кўч. 355-357 уйлар оралиғида жойлашган дўкон биноси учун Суханбердиева Рано Абдуғаниевна номига берилган ТУ № 005800-рақамли кадастр гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

“Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки жамоаси банк ходими Зулхумор Рихситуллаевага онаси **Зулфия ТУРҒУНОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти жамоаси институтнинг Сурхондарё илмий-тажриба станцияси катта илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди **Абдурасул ЯНГИБОЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

QISHLOQ HAYOTI

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Зойир МИРЗАЕВ, Баҳодир ЮСУПОВ, Бакриддин ЗАРИПОВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Абдурасул АБДУЛЛАЕВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ (Масъул котиб).

**Телефонлар:** Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47, Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

**Реклама ва эълонлар:** 236-26-50, 233-28-04.
**web sayt:** www.qishloqhayoti.uz **e-mail:** info@qishloqhayoti.uz

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

**Вилоятлар:**

| | | |
|---|---|---|
| Андижон | – | (+99893) 630-73-03; |
| Бухоро | – | (+99891) 401-29-59; |
| Жиззах | – | (+99893) 940-10-78; |
| Навоий | – | (+99891) 332-50-99; |
| Наманган | – | (+99893) 948-53-86; |
| Фарғона | – | (+99890) 407-76-03; |
| Самарқанд | – | (+99893) 994-57-08; |
| Сирдарё | – | (+99894) 168-23-60; |
| Сурхондарё | – | (+99890) 644-44-11; |
| Тошкент | – | (+99890) 976-39-58; |
| Хоразм | – | (+99897) 790-47-61; |
| Қашқадарё | – | (+99891) 635-08-03. |

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-213, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

**21677** нусхада чоп этилди.
**НАШР ИНДЕКСИ – 144**
Босишга топшириш вақти: **21.00**
Босишга топширилди: **00.20**

ISSN 2010-7021

**Навбатчи муҳаррир:** А.ҚАРШИЕВ
**Мусаҳҳиҳ:** Д.КОМИЛЖОНОВА